

**Хавфларнинг умумий  
тушунчалари ва уларга ташқи  
омиллар таъсири.**

# **РЕЖА**

- 1.Хавф түшүнчәсі**
- 2.Хавфлар таксономияси.**
- 3.Хавфлар квантификацияси.**

## ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий:

- Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
- Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
- Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” -T.: 2005. -355 b.
- G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
- Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O‘quv qo‘llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. - 195 b.
- Ёрматов F. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -T.: 2005.

## **Қўшимча:**

- “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
- “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
- **Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори №286, 06.06.1997, –Т.: 1997.**
- **“Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.**
- **Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Т.: 2011 й., 3-сон, 29-модда.**
- **Бобоҷонов Р.Д., Ибрагимов Э.И. „Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” фанидан маъruzалар матни тўплами. Тошкент, 2000 й.**

**Хавф тушунчаси.** Хавф-хаёт-фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчасидир. Маълум бир шарт-шароитларда инсон ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри ёки билвосита зарарли таъсир қилувчи ҳодиса, воеа, жараёнлар, объектлар ва бошқаларга хавф деб айтилади. Ҳар қандай энергияга, кимёвий ва (ёки) биологик фаол ташкил қилувчиларга эга бўлган, ҳамда параметрлари инсон ҳаёт - фаолият кечириш шароитларига тўғри келмайдиган кўрсаткичларга эга бўлган ҳар қандай тизим хавф туғдиради.

**Хавфлар** яширин (потенциал) ва мавжуд, юзага келган (реал) турларга ажратиласди. Потенциал **хавф** амалга ошиши, яъни реал **хавфга** айланиши учун “сабаблар” деб аталувчи шароитлар зарурдир.

**Хавфлар** учун қуйидаги белгилар характерлидир: хаётга таҳлика солиш, соғликқа зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашиши.

Таҳлилнинг максадига кўра хавфни  
характерловчи белгилар сони  
кўпайиши ёки камайиши мумкин.  
Юқоридаги **хавфга** берилган таъриф  
мавжуд бўлган стандарт  
тушунчаларни (хавфли ва заарли  
ишлаб чиқариш омиллари) ўзига  
қамраб олувчи, хамда фаолиятнинг  
ҳамма турларини ҳисобга олувчи  
жуда салмоқли тушунчадир.

# Хавфларни ўрганиш тартиби:

хавфларни олдиндан  
таҳлил этиш

хавфли ҳолатларнинг кетма-  
кетлигини аниқлаш, ҳодиса ва  
хавфлар «дараҳтини»  
(шажарасини) тузиш

оқибатларни таҳлил  
қилиш.

**Хавфлар таксономияси** - хавфларни тартиб бўйича жойлаштириш деган маънони  
англатади.

**Хавфлар номенклатуроси** - хавфнинг бирор белгиси, хусусияти, келтирадиган  
оқибати ёки бошқа кўрсаткичларига кўра тузилади.

**Хавфлар квантификацияси** - хавфларни (оғат, талафот, ёнғин, нурланиш, шамол  
ва ҳоказо) сифатини, оқибатини аниқлашда сонли тавсифларнинг жорий  
қилинишидир.

**Хавфлар идентификациясида** ҳар бир хавфнинг келиб чиқиш сабаблари,  
хусусиятлари ва оқибатлари ўрганилади.

*Хавфлар таксономияси*- бу мураккаб ҳодисаларни, тушунчаларни, киши фаолиятига қаратилган нарсаларни таснифлаш ва тизимлаш тўғрисидаги фандир. У фаолият хавфсизлиги борасида билимларни уюштиришда, хавфларнинг тартибини янада чукурроқ ўрганишда катта аҳамиятга эга.

**Хавфларнинг айрим қисмлари қуидагиларни ташкил этади:**

- келиб чиқиши бўйича хавфлар: **табиий, техник, экологик, аралаш** бўлади;
- расмий стандартга асосан **физик, химиявий, биологик ва руҳий** турларга бўлинади;
- салбий оқибатларнинг рўй бериш вақти бўйича **импульсий** (беихтиёр ҳаракат) ва **кумулятив** (тўсатдан келувчи) турларда бўлади;
- хавфлар тарқалишига йўл қўймаслик бўйича (локализация) – **литосфера, гидросфера, атмосфера ва коинот** билан боғлиқ бўлади;
- келиб чиқадиган оқибатларига кўра **чарчаш, касалланиш, жароҳатланиш, ҳалокатлар, ёнғинлар** кўринишида бўлади;

- келтирадиган зарари бўйича **ижтимоий, техник, экологик ва бошқа турларга** бўлинади;
- намоён бўлиши бўйича **майший, спорт, йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва ҳарбий бўлади;**
- оламга таъсири бўйича ўта таъсирчан (**захарлар, кислоталар**) ва суст (**наркотик моддалар, арок, сигарет**) бўлади. Суст таъсир деганда одамнинг ўзи сабабчи бўладиган хавф тушунилади.

**Хавфлар руйхати** – бу аниқ бир тартиблар бўйича қўйилган номлар, атамалардир (ўзгарувчан ҳарорат, ҳаво ҳаракатининг тезлиги, ҳаво босими, ёруғлик, ҳавони ионлаш, портлаш, гербитсид, шовқин, тебраниш, ёнғин, заҳарли моддалар, лазер нури, электр ёйи ва бошқалар).  
Хар бир текшириладиган объектда ўтказиладиган аниқ текширишлар учун шу объект (цех, иш жойи, технологик жараён, касб) да учрайдиган хавфлар руйхати тузилади.

# Олиб келувчи оқибатига кўра:

- толикиш;
- касалланиш;
- жароҳатланиш;
- фалокатлар;
  - ёнғин;
- ўлим хавфи ва бошқа.

**Хавфлар номенклатураси.** **Хавфлар номенклатураси** - маълум белгисига кўра хавфларнинг тизимлаштирилган номи, тушунчалари рўйхатидир. Ҳозирги вақтда хавфлар номининг биринчи ҳарфи бўйича алфавит тартибида номенклатура қилинган.

**Хавфлар номенклатурасининг бир қисми қуйидагича:**  
Ажал, аланга, алкогол, бузилиш, вакуум, вулкон, ваҳима, газ, гербицид, даҳшат, дард, динамик зўриқиши, емирилиш, ёмғир, ёнғин, зўриқиши, заҳар, зилзила, ифлосланиш, ичкилик, касаллик, камчилик, куйиш, лой, лат емоқ, лойқаланиш, лазер нурлари, магнит майдони, момақалдиrok, метеоритлар, микроорганизмлар, намланиш, пульсация, пасайиш, радиация, резонанс, соғаймоқ, сакланиш, сирпаниш, тебраниш, ток уриши, тоймоқ, узилиш, урмоқ, ультратовуш, хужум, хавф, чарчаш, шамол, шовқин, электр токи, электр майдони, яхмалак, ядро.

## Xavflar kvantifikatsiyasi

*Kvantifikatsiya - murakkab tushuncha, (ofat, talafot, yong'in, nurlanish, shamol va hokazo)larning sifatini, oqibatini aniqlashda sonli tavsiflarning joriy qilinishidir.*



*Amalda kvantifikatsiyaning sonli, balli, darajali, tezlanishli (m/s, m/soat) va boshqa usullari qo'llaniladi. Jumladan, yer silkinishining kvantifikatsiyasi - ballda yoki magnitudada, shamollar - m/s, yer ko'chkilari-m/soat yoki km/soatda, kuyish, nurlanish, buzilishlar - darajali usullari qo'llaniladi.*

# **Хавфлар квантификацияси.**

**Хавфлар квантификацияси** - мураккаб тушунча бўлган хавфларни баҳолаш, сифат жиҳатдан аниклаш учун сонли тавсифларни жорий қилишдир. Амалда квантификациянинг сонли, балли ва бошка усуллари қўлланилади. Хавфларни квантификация қилиш учун, яъни сонли баҳолаш учун “таваккал” (риск) тушунчаси киритилган.

## **Хавфларни идентификациялаш.**

**Хавфларни идентификациялаш** – хавфларни идентификациялаш деганда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган олдини олиш ва тезкор тадбирларни амалга ошириш учун хавфларнинг зарур ва етарли бўлган микдорий (сонли), вактий, фазовий ва бошқа тавсифларни топиш, аниклаш ва белгилаш жараёни тушунилади. Идентификация жараёнида аниқ масалаларни ечиш учун муҳим бўлган хавфлар номенклатуроси, хавфларнинг содир бўлиш эҳтимоллиги, фазовий локализацияси, яъни юзага келиш жойининг координаталари, кўриладиган тахминий зарар ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар аникланади.

# **Иш шароитларининг хавфсизлиги**

## **электр бўйича классификацияси.**

**6. Атроф-муҳит омилларига боғлик  
равища ишлаб чиқариш шароитлари  
электр хавфсизлиги бўйича уч гурухга  
бўлинади:**

- юкори хавфли шароит;
- ўта хавфли шароит;
- хавфи кам бўлган шароит.

**Юқори хавфли шароитли хоналарда**  
поллар ток ўтазувчан (металл, тупроқли,  
бетонли), хоналардаги ҳаво нисбий  
намлиги 75% дан юқори, ток  
ўтказувчан чанглар мавжуд, ҳаво ҳарорати  
35..40°C атрофида, ер билан уланган бино  
ва ускуналарниң металлконструкциялари  
хамда электр ускуналарининг металл  
корпушларига одамниң бир вактда тегиб  
қолиш хавфи эҳтимоли борлиги билан  
характерланади.

**Ўта хавфли шароитли** хоналарда хавонинг нисбий намлиги 100% атрофида, кимёвий актив мухит (кислота буғлари, ишқорлар) мавжуд, ҳамда юқори хавфли шароитда келтирилган омиллардан битта ёки иккитаси бир вактда мавжудлиги билан тавсифланади. Шу категорияга очик майдонларда, хонадан ташқарида ишлатилаётган электр қурилмаларни киритиш мумкин. Сув хўжалигидаги кўпчилик хоналар юқори хавфли ёки ўта хавфли шароитли хоналарга киради (поли ер ёки бетонли хоналар, юқори намли насос станциялари, суғориш машиналари ва ҳ.к.).

**Хавфи кам бўлган шароитли** хоналарда юқоридаги иккита гурӯхда келтирилган омилларнинг биттаси ҳам мавжуд эмас.

## “Балиқ склети” схемаси

